Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 23 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 50 (7143)

Da`vat

Китоб ўқишдан кўра арзон кўнгилхушлик ва айни пайтда узоқ давом этувчи ором бўлмаса керак.

Мари МОНТЕГЮ

Ibrat

Навбаҳор тумани маркази Бешрободда 750 ўқувчига мўлжалланган коллеж биноси қурилиши бошланди. Иншоот учун 572 миллион сўм маблағ ажратилди.

БИЛИМИНГ КАЛИТДИР, ТИЛСИМ ОЧГУВЧИ

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи ўқувчиларининг битирув кечаси ҳар йили ўзига хос катта байрамга айланади. Унга чет эллик меҳмонлар, таълим ҳомийлари, Халқ таълими вазирлиги вакиллари, ёзувчи ва шоирлар ташриф буюрадилар.

— Катта ҳаёт ҳали олдинда, — деди тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Бу маскан ўқувчилари маданий жабҳада ўзларини кўрсатишга улгурдилар...

Дарҳақиқат, лицейга республикамизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган энг иқтидорли ўғил-қизлар адабиёт, рассомчилик, тарих, иқтисод ва инглиз тили йўналишлари бўйича танлов асосида қабул қилинишади. Уларга етук малакали ўқитувчилар, соҳа мутахассислари таълим беришади...

Кеча сўнггида битирувчилар устозларига дил сўзларини изҳор этишиб, уларга шеърларини ўқиб бердилар. Куй-қўшиқлар эса кечага янада файз бағишлади.

Қ. МАТҚУРБОНОВ

8 ЙИЛ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

1997 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Бу муҳим ҳужжат мустақил мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш учун зарур бўлган барча қонуний асосларни ўзида мужассам этган.

ГРАНТ СОҲИБЛАРИГА ОҚ ЙЎЛ!

Яқинда Банк ва молия академияси биносида "Умид" жамғармаси танловидан муваффақиятли утган талабаларни Президент гранти соҳиблари деб расман эълон қилиш маросими бўлиб утди. Маросимда «Умид» жамғармаси раҳбарияти грант соҳибларини қутлаб, уларга муваффақиятлар тилашди ва ўзларининг ўринли маслаҳатларини бердилар. Чексиз қувонч ва ҳаяжон оғушида қолган ёшлардан ўз ҳиссиётлари билан ўртоқлашишларини сурадик. Навойилик иқтидорли талаба Отабек Очилов шундай деди:

Билим ва интилишларимиз беэътибор қолмади. Президентимизнинг, халқимизнинг ишонч ва умидларига сазовор бўлиб турган бугунги кунда дилимизда чексиз қувонч, қалбимиз турида масъулият ҳисси ҳукмрон.

Ҳа, бугун иқтидорли ёшлар умиди қувонча айланди. Қувонч эса, истиқболга ишонч демакдир. Бунга масъулиятнинг жо бўлиши тараққиётнинг муҳим омилидир.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ, "Маърифат"нинг махсус мухбири

Маънавий илдизи теран миллат 2-бет

БИР ДУНЁ ОРЗУЛАР ҚАНОТ ЁЗГАНДА

Суратлардаги гулгун чеҳраларга боқиб, улардаги бирозгина хўрсинишни-да ҳис қиласиз. Бу ўқувчиларнинг мактаб қучоғини тарк этиш чоғидаги энтиқишларидир. Энтиқишларнинг бир буржида эса ўғил-қизларнинг бир дунё орзулари акс этиб турибди.

Дунёни билиш учун эса илм уммонига шўнғиш зарур. Албатта, йигит ва қизлар устозлар ўгитини олишган. Лекин улар, барибир, хайрлашиш онларида устозлар кўмагига эҳтиёж сезаверадигандай ҳис қилишяпти, ўзларини.

Аслида ҳам 11 йиллик ўқиш ва ўқиш даври уларнинг қалбларини яқинлаштириб улгурганди. Тўғриғоғи, тушунчаларни англаш жараёнида баъзида қийналиб, баъзида биргаликда шодланган эдилар.

Мана, 19 июнь куни барча илм масканларида бўлиб ўтган «Битирув кечалари» битирувчиларни мустақил ҳаётга қадам қўйишга даъват этди. Тошкент шаҳридаги 41-мактаб битирувчилари ҳам ўз ўқитувчиларига «Жонажон мактабимизга эҳтиромимизни билдирамиз!», «Устозлар қалбимиздасиз!» дея ҳаяжонли фикрларини баён қилишди. Мактаб муаллимлари эса «Йўлинг ойдин, бахту иқболинг мўл бўлсин!» каби дил сўзларини лутф айлашиб, ёшларни кузатиб қолишди.

Мухбиримиз Суратларда: «Битирув кечаси»дан лавҳалар акс этган. Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Комиллик кушандаси 4-бет

JUMLADA JAHON

• Ўтган ҳафтада Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё Иқтисодий ҳамжамияти давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон) бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида ягона иқтисодий макон доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуи котибиятининг Республика атамашунослик қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигининг хабар беришича, қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ, 1999 йил 22 июндан 26 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг команда-штаб машқлари бўлиб ўтади.

• НАТО Бош котиби Хавьер Солано 20 июнь куни Болқондаги ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганлигини расман эълон қилди.

• Косово Озодлик армиясини куролсизлантириш тўғрисидаги битимни имзолаганлигини АҚШ тасдиқлаб, ушбу ҳужжат матни НАТОнинг Брюссельдаги қароргоҳига юборди.

Xalq ta`limi va hokimiyat

Ҳоким битирувчиларни олий ўқув юртига тайёрлаяпти

Қўнғирот тумани ҳокими Аширбой Реимов ёш авлод таълим-тарбияси учун доимо ғамхўрлик кўрсатиб келаётган болапарвар раҳбарлардан биридир. Биргина мисол: шахсан унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли якунланган ўқув йилида мактабларни битирувчи ёшларни олий ўқув юртларига тайёрловчи махсус курс очилди ва бу эҳтиёжлар учун тумандаги ҳомий

ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА, ҚЎНЖИГА

ташкилотлардан 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ҳақда бизга туман халқ таълими бўлими мудири Рашид Рахашев қуйидагиларни айтиб берди:

— Аввало, ҳокимимизга ва ҳомий ташкилотларга раҳмат. Ахир, бундай олижаноб ишга қўл урилганлиги биринчи навбатда ота-оналарни, уларнинг фарзандларини ниҳоятда хурсанд қилиб юборди. Махсус курс Қўнғирот шаҳридаги 50-лицей ҳузурида ташкил қилиниб, 150 нафар мактаб битирувчиси тест синовлари асосида қабул этилди. Улар кимё-биология, тарих-филология, физика-математика блоклари бўйича ўз билимларини янада чуқурлаштирадилар.

Ўқувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Ўқиш, ўрганиш билан бирга улар кунига бир марта бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Олисдан қатновчи ёшлар эса автобусларда бепул юрадиган бўлишди. Кутубхона, компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун имконият туғдирилди. Курс тингловчилари «Ахборотнома» тест китоблари билан таъминланди, республика Тест Маркази мутахассислари курсдаги ўқув жараёнига кўмаклашиш истагини билдиришди.

Туман халқ таълими бўлими томонидан курс тингловчиларига сабоқ бериш учун энг тажрибали ва зукко-билимдон 18 нафар ўқитувчи ажратилди. Масалан, математикадан Қ. Ўспонов, кимё фанидан Ж. Алланов, биологиядан Г. Ешқабулова, физикадан К. Ўтепберганов, тарихдан К. Қалиев, қорақалпоқ тилидан Т. Сапарбоев, чет тилидан Х. Сарсенов ва бошқалар дарс бераётирлар. Курс машғулотларига 50-лицей директори, тажрибали ташкилотчи Жўлдос Ортиқов раҳбар қилиб белгиланган.

Албатта, бундай ғамхўрлик ўз самарасини бериб, омадли ёшлар олий ўқув юртлари талабалари сафидан ўрин олишади, деб ишонамиз.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз

Fikr

Кунларнинг бирида мен ғайриоддий ота-оналар «анжумани»да иштирок этдим. Шайҳонтоҳур туманидаги Ҳасанхон Исломов номидаги 41-мактабга шу куни юқори синф ўқувчиларининг фақат оталари таклиф қилинган эди. Уларнинг гап нима ҳақида кетишини билишга қизиқишаётганини сезиш қийин эмасди. Суҳбат осон бўлмаслиги аниқ эди. Чунки мактаб илмий мудирининг олдида уч тахлам дафтар турарди. Уларда «Менинг отам» мавзусида иншолар ёзилган эди. Иншолар болаларнинг оталарига берган характеристикаларига кўра учга бўлинганди. Кимдир отаси ҳақида фахрланиб ёзган, кимдир унга айб қўйган. Яна бирларида эса на яхши, на ёмон фикр билдирган.

Иншоларга имзо чекилмаган эди.

Юқори синф ўқувчиларининг ўз оталарига таъналари нималардан иборатлиги ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бу иншоларда кўп нарсани ўқиш мумкин эди. Унда, жумладан, болалар оталарининг ўз қизиқишларига кам ҳафсалаликлари, оилага, оналарига кўпол муносабатлари, ичкиликка ружу қўйганликлари ва бошқа нарсалар ҳақида ёзишган эди.

10-синф ўқувчиларидан бирининг иншоси ҳаммамиз учун, очиғи, янгилик бўлди. Иншони ўқиб, уни оталар шаънига ёзилган мадҳия дейиш мумкин. Ёзма ишда ҳамма нарса бор: отанинг инсоний сифатларга эгалиги, шифокорлик касбига муҳаббати, инсонпарварлик хислатлари, боланинг отага ўхшаш истаги, унинг ишини давом эттириш ҳисси. Иншо ҳис-ҳаяжон билан ёзилган. Мени сўнгги жумла, айниқса, ҳайратда қолдирди: «Мен унга таъзим қиламан. У одам менга ота бўлгани учун тақдирдан миннатдорман. Бу одам – менинг ўгай отам!»

Унга ҳар қандай шарҳ ортиқча. Биз ота-оналар йиғилишини оталарнинг болалар тарбиясидаги роли масаласини муҳокама қилиш

ОТА ИБРАТИ

мақсадида мисол қилиб келтирганимиз йўқ. Бу аллақачоноқ жиддий суҳбат олиб бориш керак бўлган долзарб масаладир. Биз бошқа нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу ота-оналарнинг мактаб билан учрашуви самараси ҳақида.

Ҳа, ота-она мактабга маслаҳат учун боришга тайёр. Бироқ бундай ота-оналарнинг мактабга тобора камроқ бораётганида, йиғилишларда, айниқса, юқори синфларда фақат намунали оилалардан вакиллар қатнашаётганида биз – педагогларнинг айбимиз катта.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёзи дафтарига

КУТИЛМАГАН ҲОЛ

Вьетнамлик 118 ёшли Ле Тхи Ко исмли аёл соғлиғидан шикоят қилиб шифокорларга учрашганда, уни текширган врачлар ҳайратда қолишди. Боиси, беморнинг юраги ўнг томонда, жигари эса чап томонда эди. Эътиборли жиҳати шундаки, онахон бир асрдан зиёд умргузаронлик қилиб, юрагидан бирор марта ҳам нолимабди.

СОНИ ОРТМОҚДА

Бугунги кунда Америкада уй ҳайвонлари ичида мушуклар кўпроқ меҳрга сазовор бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу мамлакатда 52 миллионта ит боқилгани ҳолда, мушуклар сони 57 миллионга етган. Мутахассислар мушукларнинг итларга нисбатан ақллилигини, улар биз айтадиган 500 тача сўзни тушуниши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

САХОВАТ

«Майкрософт» компьютер компанияси раҳбари Билл Гейтснинг номи бу гал саховатпешалиги билан тилга тушди. У яқинда рафиқаси Мелинда билан бирга меҳр-мурувват ва хайрия учун бир йўла 5 миллиард доллар маблағ ажратди. Бунгача дунёда шахслар томонидан бу қадар йирик миқдорда хайрия маблағи ажратилгани йўқ эди.

ОҒРИҚ ДАРАЖАСИНИ ЎЛЧАЙДИ

Исроилнинг «Бней-Цион» маркази акушерлик ва гинекология бўлими мудири доктор Рувен Левински ва Хайфа Техниони электроника факультети ходимлари гўдаклар ва реанимация бўлими беморларининг оғриқ ҳисси даражасини ўлчайдиган янги компьютерлаштирилган тизим ишлаб чиқишди. Янги тизим беморга берилаётган тиббий ёрдамнинг таъсирини ҳам кўрсатиб беради.

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Milliy dastur amalda

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан, Самарқанд давлат чет тиллар институтида мактабгача таълим педагогика - психология факультети фаолият кўрсата бошлаган эди. Мазкур факультет «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» кўрсатмаларига биноан бакалаврлар тайёрлайди. Битирувчилар энг аввал таълим муассасаларида юқори малакали ходимлар сифатида инглиз тили ўқитувчиси, мактабгача педагогика, психология мутахассиси, халқ таълими муассасалари учун психолог, лицей, коллеж, педагогика билим юртлари ва умумтаълим мактаблари учун психология ҳамда психологик хизматини бажарувчи мутахассислар тайёрлайди. Ана шу хусусиятлари билан ушбу факультет республикамизда ягона ҳисобланади.

Бу йил факультет ўзининг биринчи қалдирғочларини учирма қилади. 30 нафар хотин-қизлар давлат имтиҳонларини топшириб, Республикамизнинг турли шаҳар қишлоқларига бориб, жажжи болажонларни тарбиялаб, уларга инглиз тилини ўргатадилар.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида инглиз тили ўқитувчисига бўлган талаб жуда катта. Ана шуларни ҳисобга олиб, 3 - курсда «Инглиз тилини ўқитиш услубияти» фанини тугатиб, педагогик амалиётни ўрганганларидан сўнг, аълочи талабалардан бир неча нафари боғчаларга юборилди. Улар ўқишдан ажралмаган ҳолда, болаларга инглиз тилини ўргатмоқдалар. Бу ҳолат талабаларга олаётган назарий билимларни ҳаётга тадбиқ этишга имконият туғдиради ва ўқишни тугатгандан кейин ўша муассасада ишга қолиш имконини беради.

Талабаларга инглиз тилини чуқур ўргатишда америкалик олимлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳозирги вақтда инглиз тилидан танланган курслардан америкалик Хеза Жентри машғулот ўтмоқда. Хеза хоним фақатгина талабалар билан эмас, балки инглиз тили кафедраси ўқитувчилари билан ҳам «Инглиз тили методологияси" фанидан машғулотлар олиб боряпти. Талабалар ҳафтада бир кун машғулотларни институтнинг «ПРЕСС клуби»да ўтказадилар. Клубда видеофилмлар кўрсатилади, инглиз тилида чоп этилган рўзнома ва ойномалар ўқилади.

Салим КЕНЖАЕВ, Самарқанд чет тиллар институти доценти, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

ОТА ИБРАТИ

(Боши 1-бетда)

Бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумки, бола тарбиясида, айниқса, ҳозирги шароитда мактаб, оила ва маҳалланинг мустаҳкам ҳамкорлигисиз ютуққа эришиш жуда қийин. Оила боланинг ақлий қобилиятини ривожлантириши, гўзалликни тушуниш ва ҳис қилишни ўрганиш, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаши керак.

Бола мактабга борди. Энди ота-она олдида сўнгсиз муаммолар пайдо бўлди. Гап ўқишда эмас. Болада рилада кузатилмаган сифатлар шакллана бошлайди. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарини мактабда тез-тез учратиш мумкин. Бу табиий, албатта.

Ота-оналар йиғилиши шунчаки ўтказиладиган навбатдаги тадбир бўлиб қолмаслиги даркор. Йиғилишни маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказган маъқул. Масалан, болага пул бериш керакми йўқми; қайси ёшда қайси адабиётни ўқиши керак; болани ёлғон гапиришдан қандай сақлаш керак, унинг сабаблари нимада; қандай қилиб жазолаш ва тақдирлаш лозим; оилавий анъаналар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти; «тарбияси оғир» болалар ва уларни тарбиялаш ва ҳоказо. Бир сўз билан айтганда, мазмунли суҳбатлар учун мавзулар етарли.

Ота-оналар йиғилиши мазмунининг саёзлиги, уларнинг кўпгина мактабларда расмиятчилик учунгина ўтказилиши ота-оналарни мактабдан узоқлаштираётган ягона сабаб эмас. Ўқитувчи - ота-она муносабатига тегишли бўлган маънавий тартиб ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак.

Болалар катта бўлган сари улар ҳаётида мураккаб муаммолар шунчалик кўпая боради. Уларни бир ўзлари ҳал қила олмайдилар. Ота-онанинг ноўрин аралашуви ота-она ва бола ўртасидаги низонинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай вазиятда ўқитувчи доно маслаҳатчи бўлиши, катталарни нотўғри йўлдан қайтариши мумкин.

Ота-оналар йиғилишларини ўтказишнинг муайян тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг мазмунини аниқлаш лозим. Токи, ҳар бир ота-она мактабдаги йиғилишдан қандайдир янгиликка эга бўлаётганини ҳис қилсин!

Агар педагоглар ота-оналарни мактабга яқинлаштира олсалар, уларни ўзларининг ёрдамчиларига айлантирсалар, бу иттифоқдан иккала томон ҳам манфаатдор бўлади. Зеро, уларнинг истаклари бир — бола тарбиялаш...

С.МУСАХЎЖАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

АХБОРОТ ЭҲТИЁЖИ

Узбекистон Миллий матбуот марказида «Узбекистон ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларнинг республика оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда Узбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот таргибот-таҳлил маркази масъул ходимлари, Ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг матбуот хизмати вакиллари ҳамда ахборот агентликлари, газеталар, телевидение ва радиода халқаро мавзуни ёритувчи журналистлар иштирок этишди.

Учрашувда Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, Узбекистоннинг жаҳон геостратегияси ва геосиёсатида тутган ўрни, давлатимизнинг халқаро майдондаги фаолияти, минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида конструктив ташаббус ва таклифларни, турли халқаро масалалар бўйича тутган мавқеини халқимизга, жаҳон аҳлига тўғри ва аниқ етказиш борасида фикр, мулоҳазалар билдирилди.

Суҳбат чоғида сўзга чиққанлар XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги олти устувор йўналишни оммавий ахборот воситаларида кенг таргиб ва таҳлил қилиш бўйича таклифларини ўртага ташладилар.

МУХБИРИМИЗ

Донишмандлар «Тил - қудратли қурол, ундан моҳирона фойдаланилса у мўъжизалар яратади», деб бекорга айтишмаган. Шу маънода РТМнинг «Умумий ўрта таълим» бош методисти, педагогика фанлари номзоди Т.Зиёдова яратган «Тилсим топишмоқлари - нутқий фаолиятни шакллантириш омили» методик қўлланмаси тилнинг қудратини яна бир бор кўрсатади. Шунингдек, янги педагогик технология талабларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур қўлланма муаллифнинг 25 йиллик иш тажрибаси маҳсули десак хато бўлмас. Амалиётчи олима ўз китобида синов дастурининг китоб дастуридан фарқи, тилшунос олим Фердинанд де Сосюрининг тилни система сифатида ўрганиш назарияси, БухДУ профессорлари Ҳ.Неъматов, А.Ғуломовларнинг ушбу тизимни соддалаштириб, она тили таълими мазмунига киритиш устида олиб борган изланишларини таъкидлаб ўтади.

— Она тилидан бериладиган ўқув топшириқлари шундай танланиши лозимки – дейди муаллиф - у болада сўз излашга, сўз топишга, топган сўзларининг энг мақбул, энг тўғрисини танлаб, гап тузишга эҳтиёж ҳосил қилсин.

Болада сўзга эҳтиёж ҳисси уйғотилмас экан, мустақил мушоҳада юритиш учун имконият яратилмас экан, ўқитувчи ҳар қанча ҳаракат қилмасин бу дарснинг самараси паст, ўзи зерикарли бўлади.

Муаллиф таклиф қилаётган «тилсим топишмоқлари» учун махсус ясалган тилсим универсал мосламаси янги педагогик технология талабларига «узукка кўз қўйгандек» мос тушган. Бу мосламада ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, имло, морфология, фонетика, сўзшунослик мавзулари бўйича олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ўйин-топишмоқлар, тил топишмоқлари, бошқотирмалар, сўз ўйинлари, таҳлиллар ўз аксини топганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

ТИЛ – МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Айниқса, китобнинг иккинчи бўлимидаги «Она тилидан грамматик жадваллар» мажмуасида 26 та жадвал берилган бўлиб, бу ерда ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчига жуда катта қулайликлар яратилган. Қўлланма тил ўқитиш методикасининг энг илғор, энг замонавий усулларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ҳамда уларнинг мустақил мушоҳада юритишига имконият яратади, сўз ва унинг маънолари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, хотирасини мустаҳкамлайди, олган билимларини умумлаштиради.

Ўқувчини мустақил ва ижодий фикр юритишга ўргатади. Ҳар бир яратилган жадвал ўзгача олам.

Умуман олганда, бу методик қўлланма барчага манзур ва зарур манба бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Т.НИЁЗМЕТОВА,
РТМ «Умумий ўрта таълим» бўлимининг бошлиғи

Moziydan sado

МАЪНАВИЙ ИЛДИЗИ ТЕРАН МИЛЛАТ

Халқимиз орасида ўз миллатини улуғлаган, демакки, миллатнинг камситилишига рози бўлмаган кишиларни қатағон қилиш сиёсати рус большевиклари томонидан қай даража изчиллик билан амалга оширилган бўлмасин, барибир илғор зиёлиларимиз ўша оғир шароитларда ҳам миллатимиз қадимийлиги, у жаҳон цивилизацияси бешикларини тебратган халқлардан бири эканини тушунтиришдан тўхтамадилар. Зеро, ўз миллатини таниш, унинг чин ўтмиши билан ошно бўлиш ҳар бир инсонда пок руҳ ва кучли иродани тарбиялашини тараққийпарвар зиёлилар яхши билардилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобида: **«Биз ўзимизни доимо мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз»**, деган фикри менинг қалбимда чексиз ғурур уйғотди.

Аслида, одамлар феъл-атвори, фаолиятини ғоялар дунёси бошқаради. Тушунчалардаги мазмунлар моҳияти фалсафий қарашлар ёрдамида аён бўлади. Агар турк элатлари тарихидаги муштараклик бу халқларнинг жаҳон миқёсидаги муайян сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммолар ечимини топишида ўзаро ишонч, ҳамкорлик маъноларини англатса, нур устига нур. Бироқ бу тушунча ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлса, ва «ўзбек деган миллат йўқ» балки фақат «туркий халқ бор», деган ғайриилмий қарашлар тиқиштирилмоқчи бўлса, бундай нуқтаи назарга қатъий зарба бериш лозим.

«Ўзбек» деган ном Ўзбекхондан анча бурун ҳам бўлган. «Ўзбек» сўзи «ўз», яъни асл, ажойиб, таги мустаҳкам маъносини билдирган бўлса, «бек» сардор маъносини англатган. Демак, ўзини-ўзи бошқара оладиган одамлар, элатлар «Асл бек» маъносида ўзбеклар деб атаб келинган. «Ўзбек» деган тушунча мамлакатимизда бу тоифа болалар учун ҳам айрим мактаб ва махсус синфлар мавжуд. Лекин кўпчилик мутахассислар ақли заиф болалар ва бу тоифа болаларни қийинчилик билан фарқлайдилар. Бу болаларнинг асосий фарқи шундаки, агарда ақли заиф болаларда бош мия жароҳати билан билиш фаолиятининг турғун пасайиши бирга қўшилиб келса, психик ривожланиши сустлашган болаларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлар уюштириб туриши лозим.

3. Нуқсонлиларни коррекциялаш, тўғрилаш, юмшатиш тадбирлари. Бу йўналиш бўйича дефектолог аниқланган жисмоний ва ақлий нуқсонларни тўғрилаш чора-тадбирларини амалга оширади. Имкони борича нуқсонли болаларнинг барчасини махсус таълим - тарбияга жалб этишга эришиши зарур. Мавжуд бўлган боғча ва мактаб дефектологларига илмий, амалий, услубий кўмак бериши керак. Ташхис марказ дефектологи лавозимида чиликларсиз турли нуқсонлар бўйича ишлай олишлари мумкин.

Нуқсонлар ичида нисбатан кеч ўрганилгани, аниқланган ва фанга киритилгани-психик ривожланиши сустлашган болалар гуруҳидир. Мамлакатимизда бу тоифа болалар учун ҳам айрим мактаб ва махсус синфлар мавжуд. Лекин кўпчилик мутахассислар ақли заиф болалар ва бу тоифа болаларни қийинчилик билан фарқлайдилар. Бу болаларнинг асосий фарқи шундаки, агарда ақли заиф болаларда бош мия жароҳати билан билиш фаолиятининг турғун пасайиши бирга қўшилиб келса, психик ривожланиши сустлашган болаларда деярли бош мия жароҳати бўлмайди. Улардаги асосий нуқсон шахсидаги ҳиссий -ирода соҳаларининг нуқсонларидир. Бу икки тур ақлий нуқсонни малакали ташхис қилиш ва бир-бирларидан тўғри ажрата билиш учун мутахассислар томонидан яратилган нисбий, дифференциал диагностик мезонларни яхшилаб ўрганмоқ лозим (К.Мамедов, Ғ.Шоумаров "Руҳий ривожланиши сустлашган болалар ҳақида", - Ўқув қўлланма, "Ўқитувчи" нашриёти, 1993 й). Ақлий нуқсонларни ажрата билишга оид қўшимча маълумотларни ушбу муаллифларнинг 1994 йилда нашр этилган "Ақли заиф болалар психологияси" ўқув қўлланмасидан ҳам билиб олса бўлади.

Ташхис марказлари дефектологларининг асосий ишларидан бири ўзининг диагностик методикалар мажмуасини яратишдан иборат. Шу билан бирга дефектологлар махсус психология фанлари давомида тайёрлаган психодиагностик альбомларни янги, замонавий, ишончли методикалар билан бойитишлари керак. Ташхис маркази дефектологининг бисотида услубий, психодиагностик методикалардан ташқари яна турли ўйинчоқлар, тарқатма қуроллари, кесма суратлар, геометрик фигуралар бўлиши лозим.

Камол МАМЕДОВ,
Республика "Истеъдод" марказининг бош мутахассиси, доцент

Tashxis markazlarida

ДЕФЕКТОЛОГНИНГ ВАЗИФАСИ НИМА?

Нуқсонли болаларнинг ривожланиш хусусиятлари, шу тоифа ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан машғул бўлган фан дефектологиядир. Хўш, қандай нуқсон турлари мавжуд? Аввало, нуқсонлилар 2 турга : жисмоний ва психик ёки ақлий нуқсонларга ажратилади. Жисмоний нуқсон ўз навбатида : кўриш, эшитиш, нутқ, ҳаракат тизими ва мураккаб нуқсонлилар турларига ажратилади. Ақлий ёки психик нуқсонлар эса, ақли заифлар ва психик ривожланиши сустлашган болаларга бўлинадилар. Жисмоний нуқсонларни кўриш, сезиш мумкин. Аммо ақлий нуқсонларни бир қарашда, суҳбатлашишда аниқлаб бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли бу тоифа нуқсонлилар махсус текширишлар натижасидагина аниқланади. Ақли заифларда 2 та омил бўлади. Булар бола бош миясида органик жароҳатнинг бўлиши ва бунинг натижасида бола билиш жараёнларининг турғун пасайганлигидир. Юқорида таъкидланган омиллар бўлган тақдирдагина болага ақли заиф деб ташхис қўйиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган ушбу омиллардан бирининг бўлмаслиги натижасида ҳам бола ақли заиф деб ҳисобланмайди. Бола бош миясининг зарарланиши, ёки билиш жараёнларининг турғун пасайиши алоҳида келиши мумкин. Бундай ҳоллар кўплаб учрайди. Бунда бола ақли зарарланмайди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан Республикамизнинг барча туманларида болаларни касбга йўлловчи, психологик-педагогик ташхис марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда психолог, касбга йўлловчи, шифокор ва дефектолог мутахассислар фаолият кўрсатадилар. Мақоламизда дефектологларнинг вазифалари ҳақида қисқача тўхталамиз. Ташхис маркази дефектологи юқорида номлари қайд қилиб ўтилган нуқсонларнинг барчасига оид ишлар билан шуғулланади. "Марказлар ўз ҳудудларида мактаб ўқувчилари орасидан жисмонан заиф ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни назоратга олади ва улар ҳақида алоҳида маълумотлар заҳирасини яратади, таълим-тарбияси ва ривожланиши учун зарур бўлган мутахассисларнинг жалб қилинишига кўмак беради, тегишли методик, психологик ва тиббий ёрдам беришни ташкил қилади, махсус ўқув муассасаларига йўлланмалар беради", дейилади низомда.

Бизнингча, ҳар бир туман ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган дефектологлар қуйидаги йўналишдаларда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир:

1. Психодиагностик йўналишдаги ишлар. Буларга туман ҳудудидаги мактабгача муассасалар ва умумтаълим мактабларида мавжуд бўлган жисмоний ва ақлий нуқсонли болаларга тегишли муассаса дефектологи, шифокори билан бирга тўғри ташхис қилиш ишлари киради. Бунинг учун ташхис марказ дефектологи керакли мутахассислар билан ҳамкорлик қилиши лозим.

2. Туман ҳудудида **психопрофилактик ва дефектологик маърифий ишларни** олиб боришлари керак. Дефектолог боғча, мактаб жамоалари олдида, ота-оналар ҳузурида нуқсонларнинг турли кўринишлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлар уюштириб туриши лозим.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР ДАРГОҲИ

Сўнгги йилларда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бевосита самараси ўлароқ, мамлакатимизда янги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилаяпти. Бу ўқув даргоҳларида таълим олаётган бугунги ёшлар энди мутлақо янгича ижтимоий тизим, янгича мафкура асосида камол топишмоқда. Уларнинг измида энг замонавий ускуна ва жиҳозлар, замонавий даражада таҳсил олишга имконият берувчи синфхоналар, билимдон мутахассислар, муаллим ва мураббийлар мавжуд.

Пойтахтимизнинг Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган ихтисослаштирилган лицей ҳам ана шундай даргоҳлардан биридир.

Мазкур тиббиёт лицейи 1995 йил август ойида бевосита Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғи билан Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти қошида ташкил этилган. Бугун бу ерда турли вилоятлардан келган ёшларни учратиш мумкин. Уларга таълим бераётган устозлар ҳам асосан фан номзодлари, таниқли олимлардан иборат. Лицей директори, биология фанлари номзоди Ғуломжон Жалолов раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган педагогик жамоада жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган моҳир устозлар кўп. Лицей директорининг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида 90-93 фоиз битирувчилар олий ўқув юртларига ва асосан тиббиёт олийгоҳларига киришга муяссар бўлганлар.

Бизни хушнуд этган яна бир жиҳат, лицейда ўқувчиларнинг маънавий камолоти борасида ҳам талайгина ишларнинг амалга оширилгани. Жумладан, ўқув даргоҳида биология, физика, химия фанларидан алоҳида лабораториялар, тиббиёт музейи, лицей ўқувчилари учун алоҳида хизмат кўрсатадиган махсус тиббиёт хонаси, маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда истиқлол мафкураси, миллий қадриятларимиз тарғиботи, ўқувчиларга мустақил мамлакатимиз фуқароси эканлигидан фахрланиш ҳис-туйғуларини сингдирувчи китоблар, плакатлар қўйилган. Ушбу масканда устозлар ва ўқувчилар ўртасида ижтимоий ҳаётимизнинг турли-туман долзарб мавзуларида суҳбат ва мунозаралар уюштирилиб турилади. Биз замонавий ва кўркам, илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан баҳраманд ушбу зиё масканида таълим олаётган ёшларнинг келажаги, албатта, мунаввар бўлишига амин бўлдик.

Гулида МАҲМУДОВА



Яқинда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги Алишер Навоий номидаги 17-ўрта мактабни битириб чиқишганига 25 йил тўлган синфдошлар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда собиқ синфдошлар ўтган умр йўлларига бир назар ташлашди.

Суратда: бир гуруҳ собиқ синфдошлар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Fanimiz fidoyilari

МЕЪМОРЛАРНИНГ МЕЪМОРИ

Қадимдан Шарқда меъморчиликка катта эътибор қаратилган. Шаҳарлар, шоҳсаройлар донғини дунёга таратган иншоотларнинг муаллифлари машҳур "устолар" меъморчиликни санъат даражасига олиб чиққанлар. Улар ўзларининг кенг уфқли хаёлотлари, устозлардан ўрганган сир-синоатлари ва тажрибалари ёрдамида ўз даври архитектураси ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда ҳам архитектура санъатининг тараққиётдан тўхтаб қолишига йўл қўймаётган, авлодлар ишини давом эттириб, замонавий ўзбек меъморчилиги мактабини яратаётган фидойи инсонлар орамизда йўқ эмас.

Ҳусниддин Нуриддинов мана шундай инсон.

Салкам 40 йил умрини биноларнинг табиий ёритилишига бағишлаган профессор Ҳ.Нуриддинов бир қанча илмий-услубий анжуманлар ташкилотчиси, юздан ортиқ мақолаларнинг, ўндан ортиқ илмий асарларнинг муаллифи, кўплаб шогирдларнинг меҳри дарё устози. Домланинг ўнлаб шогирдлари фан номзодлари, докторлари даражасига етган.

Пойтахтда, оддий ишчи оиласида дунёга келган Ҳусниддин аканинг болалик йиллари иккинчи жаҳон урушининг оғир дамларига тўғри келади, лекин бу бўлажак олимнинг мактабни аъло баҳолар билан тугаллашига тўсқинлик қила олмади. Ҳусниддин ака 1957 йили Тошкент политехника институтига ўқишга кириб, уни "Бино ва саноат иншоотлари қурилиши" ихтисослиги бўйича тамомлади ва институтнинг ўзида дарс бера бошлади. Домла кейинчалик аспирантурада ўқиди, номзодлик диссертациясини ёқлади, ўз илмий фаолиятининг "пойдевори" бўлмиш Тошкент политехника институтини тарк этмади. У 1968 йилдан институтда кафедрани, кейинроқ эса факультетни бошқара бошлади. Ўзининг илмий фикрлари билан чет элларда ҳам танилган фан доктори, бугун ёш меъморларга сабоқ бермоқда, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда, таълим соҳасини такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Соф виждонли, жонкуяр инсон Ҳ. Нуриддинов ҳамкасбларининг, умуман таниш-билишларининг ҳурматини қозонган, улар учун ҳам илмий, ҳам ҳаётий масалаларда ҳақиқий устозга айланган.

"Одамлар учун дераза-ларидан қуёшнинг чароғон нури, ёқимли тоза ҳаво кириб турадиган, гўзал ва ҳар томонлама қулай бинолар яратсангиз бундан ортиқ бахт борми ўзи", - дейди устоз ёш меъморларга.

Ҳақиқатдан ҳам, архитектура фақат гўзал ва ҳашамдор бино ва иншоотлар қуришгина эмас, балки инсон ҳаёти учун қулай макон яратиш санъати ҳамдир. Меъморлар меъмори Ҳусниддин Нуриддиновнинг тамо йили шу.

Озод РАЖАБОВ,
Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ

«Устоз» жамғармаси Республика ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва аспирантларини 1999-2000 ўқув йилида қайта ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Исроил ва Малайзия давлатларига юбориш учун эълон қилган танловнинг

ГРАНТ СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкент шаҳри

Гулнора ИСМОИЛОВА (менежмент*) — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси**.
Аҳмад МАВЛОНОВ (менежмент) — Тошкент темир йўллар муҳандислиги институти.
Фарҳод ХАЛИЛОВ (маркетинг) — Тошкент автомобиль йўллари институти.
Акрамжон АДИЗОВ (молия ва кредит) — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси.
Бахтиёр ЭРКАЕВ (бизнесни бошқариш) — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси.
Ботир ЗОКИРОВ (бизнесни бошқариш) — Тошкент темир йўллар муҳандислиги институти.
Зайниддин ЭШҚУВАТОВ (иқтисодиёт ва бошқарувда маълумотлар тизими) — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.
Иззатилла АҲМЕРОВ (иқтисодиёт ва бошқарувда маълумотлар тизими) — Тошкент Давлат университети
Юсуб ИСМОИЛОВ (сиёсатшунослик) — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.
Баҳодир ҲАЙДАРОВ (педагогика) — Тошкент Давлат университети гимназияси.
Фазлиддин РАВШАНОВ (педагогика) — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси.
Шаҳноза МУҲАМЕДОВА (педагогика) — Тошкент автомобиль йўллари институти.
Шуҳрат ҚОСИМОВ (педагогика) — Тошкент темир йўллар муҳандислиги институти.
Раиса ИБРАГИМОВА (педагогика) — Жаҳон тиллари университети.
Бахтигул ИМОМОВА (педагогика) — Жаҳон тиллари университети.
Комил КАЛОНОВ (социология) — Тошкент Давлат университети.
Сурайё ОДИЛХЎЖАЕВА (юриспруденция) — Тошкент Давлат юридик институти
Дурдона НАЗАРОВА (юриспруденция) — Тошкент юридик коллежи.
Жуманиёз ИСМАТОВ (автомобиль қурилиши) — Тошкент автомобил йўллари институти.
Султон АҲМЕДОВ (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Тошкент архитектура ва қурилиш институти.
Муҳаммадзахроб ИСМАНОВ (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш) — Тошкент Давлат техника университети.
Баҳодир АТАБОЕВ (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш) — Тошкент Давлат аграр университети.
Абдишукур АБДУЛЛАЕВ (атроф-муҳитни ҳимоя қилиш) — Тошкент Давлат техника университети.
Элмира ШОМАНСУРОВА (медицина) — Тошкент педиатрия медицина университети.
Рустам АБДУРАҲМАНОВ (телекоммуникация) — Тошкент электр алоқа институти.
Саидакбар АГЗАМХОДЖАЕВ (Ўзбекистон тарихи) — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.
Дилдора АБИДЖАНОВА (Ўзбекистон тарихи) — Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети.
Юсуф ҲАМДАМОВ (журналистика) — Тошкент Давлат университети.

* *Ихтисослиги*
** *Иш жойи*

Андижон вилояти

Ёқуб ҚУРБОНОВ (педагогика) — Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти.
Шукур ЭРМАТОВ (педагогика) — Андижон Давлат университети.
Давлат ТЕМИРОВ (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти.
Мавлуда САИДОВА (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти.
Шуҳрат ЗОКИРОВ (қишлоқ хўжалиги) — Андижон қишлоқ хўжалиги институти.
Шуҳрат ХОЛИҚОВ (Ўзбекистон тарихи) — Андижон Давлат университети.

Бухоро вилояти

АнварАБДУЛЛАЕВ (менежмент) — Бухоро Давлат университети.
Махсума ҲАЙИТОВА (педагогика) — Бухоро Давлат университети лицейи.
Санобар ҲУСЕНОВА (психология) — Бухоро шаҳар 10-мактаб.
Тожиддин ЖЎРАЕВ (автомобиль қурилиши) — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси институти.
Саодат РАЖАБОВА (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Бухоро шаҳар молия коллежи.
Орзиқул КЕНЖАЕВ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси институти.
Салоҳиддин ОРИПОВ (атроф-муҳитни ҳимоя қилиш) — Бухоро Давлат университети.
Учқун ТЕМИРОВ (ветеринария) — Бухоро Давлат университети.
Матлуба САНАЕВА (медицина) — Бухоро тиббиёт институти.

Жиззах вилояти

Х. МУСТАФАҚУЛОВА (педагогика) — Жиззах шаҳар педагогика билим юрти.
Эркин ГАНИЕВ (иқтисодиёт ва бошқарувда маълумотлар тизими) — Жиззах Давлат педагогика институти.

Қашқадарё вилояти

Баҳром УЗОҚОВ (Ўзбекистон тарихи) — Қарши Давлат университети.
Сайёра ШОДМОНОВА (психология) — Қарши Давлат университети.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тенгил СЕЙИТМУРАТОВ (маркетинг) — Нукус Давлат университети.
Зина БАЙМУРАТОВА (молия ва кредит) — Нукус Давлат университети.
Азат ЖУМАМУРАТОВ (педагогика) — Нукус Давлат университети.
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ (социология) — Нукус Давлат университети.
Тоғайторе КАЛЛИБЕКОВ (юриспруденция) — Нукус Давлат университети.
Бейсин НОГАЕВ (юриспруденция) — Нукус Давлат университети.
Бейсин ЕМБЕРГЕНОВ (электроэнергетика) — Нукус Давлат университети.
Рустем ЕШНИЯЗОВ (технологик машиналар) — Нукус Давлат университети.
Альфия ҚУРБОНОВА (атроф-муҳитни ҳимоя қилиш) Нукус Давлат университети.
Азат МАТЧАНОВ (медицина) — Нукус Давлат университети.
Анвар ТОРЕБЕКОВ (менежмент) — Нукус Давлат университети.

Навоий вилояти

Отабек АБЛАЕВ (педагогика) — Навоий Давлат педагогика институти.
Гулнора ЭРНАЗАРОВА (электроэнергетика) — Навоий Давлат кончилик институти қошидаги техника коллежи.
Нурилло ҚУЛМУРОДОВ (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Навоий Давлат кончилик институти қошидаги техника коллежи.
Бахтиёр МАРДОНОВ (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Навоий Давлат кончилик институти.
Облоқулбой ХУШВАҚТОВ (технологик машиналар ва жиҳозлар) — Навоий Давлат кончилик институти.

Наманган вилояти

Ҳасанбой МАМАРАСУЛОВ (менежмент) — Наманган Давлат университети.
Тоҳир РАҲМАНОВ (педагогика) — Наманган Давлат университети.
Орифжон БАҲОДИРОВ (педагогика) — Наманган Давлат университети.
Фарҳод ҲОШИМОВ (химия ва био- технология) — Наманган Давлат университети.
Шуҳрат АТАХАНОВ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) — Наманган муҳандислик педагогика институти.
Шокиржон БАННАЕВ (қишлоқ хўжалиги) — Наманган Давлат университети.
Пўлат СУЛТОНОВ (атроф-муҳитни ҳимоя қилиш) — Наманган муҳандислик педагогика институти.

Самарқанд вилояти

Вячеслав АБДУКАРИМОВ (менежмент) — Самарқанд Давлат университети.
Илҳом УСМАНОВ (менежмент) — Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти.
Хожиқурбон ҲУСАНОВ (Халқаро иқтисодий алоқалар) — Самарқанд молия коллежи.
Рустам МУҲАММАДИЕВ (педагогика) — Иштихон тиббиёт билим юрти.
Нурилло ХУДОЙНАЗАРОВ (педагогика) — Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицей.
Ботир ДАВРОНОВ (педагогика) — Самарқанд Давлат университети.
Расул МАРДИЕВ (педагогика) — Самарқанд Давлат университети.
Розиқ ФАЙЗИЕВ (педагогика) — Самарқанд Давлат университети.
Дилбар БАБАЕВА (педагогика) — Самарқанд Давлат университети.
Дилбар СОАТОВА (социология) — Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти.
Жамила ВАФАЕВА (социология) — Самарқанд Давлат университети.
Эшқуват АРЗИҚУЛОВ (Электроэнергетика) — Самарқанд Давлат университети.
Аминжон СУЛТОНОВ (технологик машиналар)— Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти.
Илҳомжон ДАВРОНОВ (химия ва био-технологиялар) — Самарқанд Давлат университети.
Собиржон МАМАРАЖАБОВ (медицина) — Самарқанд тиббиёт институти.
Лолита БАКАЕВА (медицина) — Самарқанд тиббиёт институти.
Дилбар АГЗАМОВА (медицина) — Самарқанд тиббиёт институти.
Амина РАМАЗАНОВА (медицина) — Самарқанд тиббиёт институти.

Сирдарё вилояти

Аҳмад МАМАТОВ (маркетинг) — Гулистон Давлат университети.
Абубакир МУҲАМЕДОВ (молия ва кредит) — Гулистон Давлат университети.
Шомурод БЕКТУРДИЕВ (педагогика) — Гулистон Давлат университети.
Зулфира ШАРИПОВА (педагогика) — Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицей.
Ҳабибжон КУШИЕВ (химия ва биотехнология) — Гулистон Давлат университети.
Эрмамат ҚУРБОНОВ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) — Гулистон Давлат университети.
Лола ҚАРШИБОЕВА (атроф-муҳитни ҳимоя қилиш) — Гулистон Давлат университети.

Сурхондарё вилояти

Нуриддин АЛИМҚУЛОВ (педагогика) — Термиз Давлат университети.
Абдулла ХУДОЙҚУЛОВ (педагогика) — Термиз Давлат университети.
Адолат РАҲМОНҚУЛОВА (Ўзбекистон тарихи) — Термиз Давлат университети.

Хоразм вилояти

Отабек АТАМУРОДОВ (педагогика) — Урганч Давлат университети.
Жуманазар ЯРМАТОВ (педагогика) — Урганч Давлат университети.
Қудрат АВЕЗМЕТОВ (педагогика) — Урганч Давлат университети.
Севдиёр ИМАМҚУЛОВ (педагогика) — Урганч Давлат университети.

Фарғона вилояти

Илҳом МАҚСУДОВ (халқаро иқтисодий алоқалар) — Фарғона Давлат университети.
Дилшод ҲАКИМОВ (халқаро иқтисодий алоқалар) — Фарғона Давлат университети.
Маҳмуд ҚЎЧҚАРОВ (педагогика) — Фарғона Давлат университети.
Шукрулло УСМАНОВ (электроэнергетика) — Фарғона политехника институти

"Устоз" республика жамғармаси Бошқаруви грант совриндорларини ушбу ютуқлари билан самимий табриклайди.

Ma'naviyat haqida gurung

ТУБ ИЛДИЗЛАР

Ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезини ўрганишни мавжуд адабиётларни қайта кўриб чиқишдан бошлаш лозим. Чунки бу масалага тегишли кўпгина манбалар шўро даврида мафкура доирасидан чиқиб кетилмаган ҳолда ўрганилган эди. Ўзбек халқининг этногенези, элат, халқ, миллат сифатида шаклланиши тарихини ёзиш археологик, этнографик, лингвистик, топономик ва ёзма манбаларни қайта ўрганиб, таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Этнографик билимлар энг қадим замонларда пайдо бўлган, лекин мустақил фан сифатида XIX аср иккинчи ярмида вужудга келган. «Этнография» сўзи илгари ҳам баъзан тилга олинган бўлса-да, лекин фанни ифодаламаган эди. Дастлаб XVIII аср охирлари XIX аср бошларида шу ном билан махсус журналлар чиқарила бошланган.

Дунё табиати нақадар хилма-хил бўлганлиги сабабли, унда яшовчи аҳолининг этник тузилиши ҳам турли-туман ҳисобланади. Ер юзида 3-4 минг этнос бўлиб, тили жиҳатидан бир-биридан ажралиб турадиган кишилар этник бирликларининг сони эса қарийб уч мингдан зиёд.

Ўзбек халқи ҳам ўтмишда жуда кўп уруғ-қабилалар /этник гуруҳлар/га бўлинган. Манбаларнинг тасдиқлашича, жами ўзбек уруғлари 92 та экан /«92 қавмли ўзбек»/. Лекин этнографик дала тадқиқотларимизга кўра, ўзбек этник гуруҳлари 300 дан ортиқ. Қўнғирот, манғит, қипчоқ, барлос, сарой, қатағон, дурмон, қутчи каби йирик қавмлар ўз навбатида яна майда этник гуруҳларга бўлинади. Бу масалани дала маълумотлари асосида чуқур илмий ўрганиш этнографлар олдидаги энг долзарб масала бўлиб келмоқда.

Республикамиз умумтаълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш жараёнида этнографик маълумотларга мурожаат қилиш ўқувчиларнинг тарих фанлари соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бу омил ўқувчиларга кучли таъсир кўрсатади, ватанпарварлик ҳиссини шаклантиришга ва маънавий савиясини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда «Ўзбек халқи этнографияси» мактаб-лицейлар тарих бўлимида ўқитилмоқда. Ҳар йили туманлар, вилоятлар ва республика миқёсида этнография бўйича кўрик-танловлар ва олимпиадалар ўтказилади. Фикримизча, ўқувчилар ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва удумларини фақат этнографик маълумотлар орқали билиб олишлари мумкин. Шунинг учун ҳар бир тарих фани ўқитувчиси этнографик маълумотлардан унумли фойдалансагина, машғулотнинг самарадорлиги янада ошади.

Ўқувчиларни этнографик маълумотлар билан қуроллантиришда тарих фани ўқитувчиси асосий роль ўйнайди. Энг аввало, ишни дастлаб мутахассислар-малакали тарих фани ўқитувчиларини тайёрлашдан бошлашимиз даркор.

Ҳозир университетлар тарих факультетларининг бакалавр бўйича ўқув режасида «Этнография асослари» (II - III семестр), «Этногенез ва этник тарих» курслари (VI - VII семестр) киритилган. Лекин мавжуд курслар бўйича талабалар учун дарслик ва ўқув қўлланмалари мавжуд эмас.

Сўнгги йилларда Қарши Давлат университетида этнография фанини ўқитиш соҳасида анчагина тажриба тўпланди. «Этнография бўйича ўқув-услубий қўлланма», «Ўрта Осиё этнографияси», «Ўзбекистон тарихини ўрганишда этнография материалларидан фойдаланиш» каби ўқув қўлланмалари нашр этилди, ҳамда тўпламлар ва матбуотда илмий-методик мақолалар чоп этилди. Талабалар этнография бўйича реферат, курс иши ва диплом иши ёзишади. Улар дала амалиётида ҳам бўлиб, этнографик маълумотлар тўплашади.

Лекин юқоридаги курслар бўйича мавжуд дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари собиқ СССР даврида рус тилида чоп этилган ва ҳозир маънавий жиҳатдан эскирган ҳисобланади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Фарғона, Андижон Давлат университетларидан ташқари олий ўқув юртлари тарих факультетларида этнография фани ўқитувчи мутахассислар етишмайди. Бу фан ўқитувчилари ўртасида эса илмий-методик ҳамкорлик алоқалари деярли ўрнатилмаган. Кўп йиллик амалий тажрибаларимизга асосланиб, этнографияни ўқитиш ва ўрганиш бўйича қуйидаги долзарб масалаларни дарҳол ҳал этиш лозим деб ўйлаймиз:

-Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳузуридаги этнография бўйича бирлашган мувофиқлаштирувчи методик Кенгаш тузиш;

-мазкур кенгаш дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари ва кўргазмали қуроллар чиқаришга раҳбарлик қилиши;

-умумтаълим мактаблари ва педагогик институтлари барча ижтимоий - гуманитар факультетлари ўқув режасига «Этнография асослари» курсини киритиш;

-олий ўқув юртлари тарих факультетларида этнография кафедраларини ташкил этиб, бу соҳа бўйича талабалар ихтисослашувини йўлга қўйиш;

-этнография фани ўқитувчилари малака оширишини анча салоҳиятли илмий-методик базага эга бўлган ТошДУ этнография кафедрасида ташкил этиш;

-этнографиянинг республика бўйича доимий илмий-амалий конференциясини Тошкентда ва вилоятлар марказларида камида ҳар икки йилда бир марта ўтказиш;

-мамлакат бўйича этнографик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ягона илмий марказ барпо этиш;

-жаҳон бўйича ва мамлакатимиздаги этнография фани ютуқларини ёритиб берувчи алоҳида махсус илмий-назарий журнал чиқаришни ташкил этиш;

-этнография фани долзарб муаммоларига бағишланган махсус радио эшиттиришлари ва телекўрсатувлар уюштириш лозим.

Халқимиз миллий ўзлигини англашда маънавиятнинг тамал тошларидан бири-этнография (этнология) фанининг ўрни ва салмоғи ниҳоятда катта эканлигини унутмаслигимиз керак.

Очил БЎРИЕВ,
Қарши Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

Anjuman

МАЪРУЗАЧИЛАРГА ПУЛ МУКОФОТИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти профессор ўқитувчилари ва талабаларининг IX - илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган бу анъанавий анжуманда 278 профессор-ўқитувчи, 210 талаба 500 га яқин мавзуда маърузалар қилишди. Анжуманни ялпи ва якунловчи мажлисларида доцент С.Абаев, катта ўқитувчи З.Сеитова, филология факультети 3-курс талабаси К.Жуманиёзова, доцент Е.Умаров, доцент Й.Ибрагимовларнинг долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди ва муҳокама этилди.

Анжуман якунлари ҳақида институт ректори, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Бозорбоев нутқ сўзлади ва энг яхши маърузаларга пул мукофотларини топширди. Анжуман ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг қўмита бошлиғи Қ.Исмоилов қатнашди ва сўзга чиқди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ЭРКИН ФИКР ЭҲТИЁЖИ

Эркин фикрли шахсни шакллантириш таълим билан бевосита боғлиқ жараёндир. Ривожланган демократик мамлакатларда мустақил фикр юрита оладиган шахсларни тайёрлашга таълимнинг бошланғич босқичлариданоқ катта эътибор берилади. Мисол учун, баъзи Ғарб мамлакатларида боғча тарбиячилари машғулотларга маълум бир касб кийимида (масалан, оқ халат) эмас, оддий ўз тарбиясидаги болаларнинг кийимига ўхшаш (футболка, шортик, кепка), баъзан эса ҳатто дазмолланмаган кийимларда ҳам келиши мумкин. Шу йўл билан улар болаларга нафақат ички дунёси, балки ташқи кўриниши билан ҳам яқин, тенгдош—сирдош бўлиб кўринишга интиладилар. Бу эса болада ўз тарбиячисига яқинлик ҳиссини, унга ишончни уйғотади. Бола тарбиячиси олдида ҳам воқеа-ҳодисаларга эркин муносабат билдира олади. Худди қаршисида ўз тенгдошлари тургандек болалар эркин. Шифокорларни эслатувчи оқ халат кийиб олган, тарбиячи билан шортикдаги боғча опалар қўлидаги болалар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Биринчи ҳолатдаги бола ўзи билан тарбиячиси олдида қандайдир совуқлик, нотенгликни ҳис қилиб туради. Унинг устига баъзи отаоналар қайсарлик қилаётган (ваҳоланки, қайсарликда ҳам шахсий фикрнинг бир зарраси мавжуд) фарзандини «ҳозир дўхтирни чақираман» деб кўрқитишади. Бу ҳолда бола тарбиячиси олдида воқеа-ҳодисаларга эркин фикр билдира олмайди, иккиланади, кўрқади. Шунинг учун ҳам Ғарб таълими муассасаларида ҳур фикрлиларни шакллантириш жараёнининг дастлабки босқичи боланинг фикр эркинлигини боғчадаёқ бўғиб қўймасликка интилишдан бошланади.

Жараённинг иккинчи босқичи мактабларда, ўқувчиларнинг фикрини ривожлантиришга эътибор қилишдан иборат. Ғарбда бунинг ҳам ўзига хос ҳаётий чораси ишлаб чиқилган. Масалан, баъзи мактабларда бир ўқитувчи маълум бир синф билан фақат икки ёки уч йилгина ишлаши мумкин. Бунда ўқувчи фақат бир ўқитувчига ўрганиб қолмайди, у ҳар хил ўқитувчига, демак, ҳар хил дунёқарашга, турлича фикрлашга ўрганади. Ҳар бир муаллим билан мулоқот қила билишга мажбур бўлади. Бу ҳол ўқувчининг ўз дунёқараши шаклланишида, фикр доираси кенгайишида муҳим ўрин тутади.

Албатта, эркин фикрлашга ўрганаётган шахс ўзгалар фикрини ҳам тинглай, англай билиши керак. Керак бўлса фикрга қарши фикр билан мунозара қила олиши ҳам шарт. Франция мактабларида бунинг учун махсус машғулотлар жорий этилган бўлиб, ўқув йили давомида ўқувчилар шу машғулотларда синов натижаларини топшириб боришлари керак бўлади. Бундай машғулотлардан бири қуйидагичадир: ўқувчиларга бирон матн берилади ё эшиттирилади. Сўнг уларга шу матннинг асосий ғояси, ғояни асослаш учун келтирилган жумлалар юзасидан саволлар тўғри ва нотўғри жавоблар билан тарқатилади. Ёки берилган матнни «резюме» қилиш, яъни матндаги фикр ва ғояларни муаллиф нуқтаи назарини сақлаб қолган ҳолда бошқа сўз-иборалар ёрдамида қисқа ва лўнда ифода этиш сўралади. Шунга ўхшаш ёзма машқлардан бири "синтез"-дир. Бунда ўқувчи бир неча матнда ифода этилган фикрларни жамлаб, ягона бир матнда уйғунлаштиради.

Соддагина кўринган бу машқлар француз мактабларида жуда кенг қўлланилиб, кўп самара бермоқда. Юқори синфларда эса баҳслашишга ўргатиш учун «дискуссион» деб аталувчи ёзма ва оғзаки машқлар қўлланилади. «Дискуссион»да ўқувчи ўз фикрларини матнда ифода этилган фикрларга қарши қўйиши, уларни асослаб бериши керак бўлади. Худди шундай машқлардан яна бири «дебат» деб аталиб, у оғзаки тарзда ўтказилади. Бунда ўқувчилар турли мавзуларни мунозара учун таклиф қилишади. Ва энг кўп таклиф тушган мавзуда белгиланган вақт мобайнида ўзаро баҳсга киришадилар. «Юмалоқ стол» атрофида ўтказилажак баҳсни ўқувчилардан бири олиб боради. Мунозарани четдан кузатиб турган ўқитувчи баҳсдан сўнг ўқувчиларга фикр изҳор қилиш усуллари, қачон, қандай сўзлардан фойдаланишни, сўзлаётганда қўллар, кўзлар ҳаракати — ўрни, суҳбатдош нигоҳи, гапни бўлиш усуллари, ўз фикрини асослай билиш каби баҳс жараёнининг муҳим кўринишларини ўргатади. Ҳур фикрлашга ўрганаётган ёшлар масъулиятни ҳис қила билиши даркор. Француз таълим тизимида бунинг ҳам ўта ҳаётий-амалий чораси ишлаб чиқилган. Яъни ўқувчилар мактабни битираётганда имтиҳонларни ўз ўқитувчисига эмас, бегона ўқитувчига топширади. Имтиҳонлар ўта ҳаққоний ва талабчанлик билан олинадики, буни битирувчиларнинг синфда қолаётган қисми бир неча йилдан бери энди 30 фоизга тушганидан билиш мумкин. (Бизнинг мактабларда эса, деярли 100 фоиз ўқувчилар мактабни битириб чиқиб кетишмоқда). Францияда қачонлардир битирувчиларнинг 50 фоизи имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган бўлса, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб, ўтган йили 70 фоизга яқинлашди. Мана шундай қаттиққўл талабчанлик ўқувчиларни ўз устида ишлашга, «мактабга кирдимми, бўлди, албатта, битириб чиқиб кетаман» деган фикрдан йироқ бўлишга, яъни масъулиятни ҳис қилишга мажбур этади. Шунинг учун ҳам француз мактаблари эркин фикрлай оладиган ёшларни шакллантираётганликларидан фахрланишади.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент Давлат авиация институтида маънавият ва маърифат масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Куни кеча институт мажлислар залида таниқли шоира Турсуной Содиқова иштирокида «Янги авлод йигит ва қизларининг маънавияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бу давра суҳбатининг ўтказилишига институт ректорининг «Маънавият ва маърифат» масалалари бўйича биринчи ўринбосари доцент Х. Ҳуснутдинова ташаббуслари ва кўпчилик талабалар истак ҳамда илтимослари сабаб бўлди.

Давра суҳбати маъруза ўқиш билан чегараланмай, балки савол-жавоб, муҳокама тарзида ўтказилганлиги боис қизиқарли ўтди. Айниқса, шоиранинг талабаларни «Осмончилар» деб аташлари талабалар учун ўзгача кайфият бахш этди. Давра суҳбатида шарқ аёлларининг сир-синоатлари, дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси, турмуш — оилада йигитларнинг ўрни масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, Турсуной опа ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Улуғбек ҚУРБОНОВ,
ТДАИ «Маънавият ва маърифат» бўлими инспектори

Yoz — o'tmoqda soz

БЎСТОНЛИҚ БАҒРИДА

Инсон неча асрлардан буён ҳаётни ўрганишга, унинг моҳиятига етиб боришга интилади. Ҳа, инсон ўзи ҳам сезмаган ҳолда бу улкан оқимни ўз йўлига буришга, уни бошқаришга ҳаракат қилади. «Ҳаёт нима?» деган саволга жуда кўп файласуфлар жавоб излаганлар. «Ҳаёт кимларгадир жуда шафқатсиз, кимларгадир жуда меҳрибондир» — деган эди америка ёзувчиси Теодор Драйзер. Бироқ унинг "шафқатсиз" ёки "меҳрибон" бўлишига кўпроқ ўзимизнинг ҳаётга бўлган муносабатимиз сабабчидир.

Энг ёмони, ҳаётнинг беомон зарбаларидан кўпинча норасидалар азият чекадилар. Ҳозирги кунда ҳам ота-она меҳрига зор бўлган болалар кам эмас. Давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — кучли ижтимоий сиёсат бўлганлиги сабабли, юртимизда бундай меҳр-мурувватга зор болалар учун, уларнинг бекаму кўст, иқтисодий-ижтимоий, маънавий қийинчиликларсиз улғайиши учун алоҳида шарт-шароитлар мавжуд. Республикамизда ҳозирги кунда 30 та Меҳрибонлик уйларида 4 мингга яқин бола тарбияланмоқда. Бу меҳрибонлик уйларида болаларнинг соғлом ўсиши, давлат талаблари асосида замонавий билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Куни кеча яна бир савобли ишга қўл урилди. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан республикамизнинг 7 та вилоятидан келган, аъло баҳоларга ўқиётган, одобли, бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари пойтахтимиздаги 21-сонли Меҳрибонлик уйига тўпландилар. Бу тадбир болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ўтказиши учун ташкил қилинди. Ушбу ёз мавсумида очиқ табиат қўйнида жойлашган Бўстонлиқ туманидаги Республика меҳрибонлик уйлари соғломлаштириш оромгоҳида тўрт сменада 900 га яқин болаларнинг яйраб ҳордиқ чиқариши учун шароит яратилди. Бу иш ўтган йилларда ҳам бир неча маротаба қилинганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўша куни биринчи смена учун болаларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шунда болаларнинг қандай яйраганини кўрсангиз эди!

Дастлаб республика ўқувчилар саройи вакиллари иштирокида болалар учун концерт қўйилди. Сўнгра асосий ҳомийлар — Халқ таълими вазирлиги, «Тараққиёт» республика жамғармасининг совғалари топширилди. Айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимизда кенг танилган «Coca-Cola» компаниясининг саҳоватли ички ичимликлари ва эсдалик совғаларининг топширилиши болаларнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди.

Фурсатдан фойдаланиб айрим ўқувчиларни суҳбатга тортдик.

Тошкент шаҳар мусиқа мактаб-интернати ўқувчиси Шерзод Мамадалиев:

— Давлатимиз бизга шундай шароитлар яратиб беряпти, биз ҳам аъло баҳоларга ўқиб, келажакда Ватанимиз учун муносиб фарзанд бўлишга ваъда берамиз. Мен барча тенгдошларимни бу ерга келишларини хоҳлардим, — дейди ҳаяжон билан.

Ўтган ёз мавсумида ҳам бу оромгоҳда бўлган, ўзида йўқ хурсандлиги шундоққина кўриниб турган 21-сонли Меҳрибонлик уйининг 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Юсупова эса:

— Ҳа, ўтган йили ҳам бу ерда ўзимиз сингари кўплаб болалар билан дўстлашгандик. Бу ишларни ташкил қилган ҳомийларимизга раҳмат, — деди биз билан суҳбатда.

Ангрен шаҳридаги 34-махсус мактаб-интернатнинг 27 нафар ўқувчилари бу ёзги дам олишга биринчи марта келганликлари сабабли, уларнинг боши осмонда. Қувончдан у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган болалар билан бирга уларнинг тарбиячилари ҳам жуда хурсанд эдилар.

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани 32-сонли Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Мавлуда опа Жалолова биз билан суҳбатда шундай деди:

— Болаларнинг ҳаммаси хурсанд. Илгари собиқ иттифоқ даврида «Артек» дегани бўларди. Мана , мустақилликка эришдик. Ўзимизда ҳам шундай ишларни қилса бўларкан-ку? Давлатимизнинг бундай ғамхўрлигидан биз ҳам жуда миннатдормиз.

Ҳа, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳаёт деб аталмиш бу улкан оқимнинг ҳатто шиддатини пасайтириб, оладиган, уни сокин ва гўзал қила оладиган яна бир куч бор. Бу куч — инсон меҳри.

Болаларга мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришни тилаган ҳолда, мамлакатимиздаги йирик ташкилотларга мурожаат қилмоқчиман.

Инсон меҳри кучидан фойдаланинг! Меҳрга ташна кўнгилларга ғамхўрлик қилинг! Зеро, сизу биздан меҳр қолур...

Ботиржон ҒОФУРОВ

Ёзги таътилни ўз тенгдошлари билан бирга кўнгилли ўтказишни хоҳловчи ўқувчилар талайгина. Шундай ўқувчиларнинг мақсадлари амалга ошиши учун пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам барча шароитлар мавжуд. Тумандаги 60-ўрта мактабда ташкил этилиб, Т.В.Машняга раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган «Камалак» дам олиш масканида шу туманнинг 60 -, 94-, 110-мактабларининг 100 нафар ўқувчиси дам олмоқда. Дам олувчилар М.Абдуллаева бошчилигидаги «Бахтли болалигим» жамоа корхонаси томонидан ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқдалар. Оромгоҳдаги турли тўгаракларда ўз билим ва маҳоратларини оширмоқдалар.

Суратларда: дам олиш маскани фаолиятидан лавҳалар акс этган.
Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Xullas...

ЁЛҒИЗЛИКДА 82 ЙИЛ

Тарки дунё қилган ёки ноқобил фарзандларнинг касрига қолган айрим қариялар ёлғизликка қуникиш ҳосил қилмай иложлари йўқ.

Лоухск туманидаги ташландиқ Нильмозеро қишлоғида 81 ёшли Саломанья Лангоева яшамоқда. Қишлоқни марказ билан боғловчи станциягача 25 км.

Кампирнинг нафақа пулини синглиси етказиб беради, озиқ-овқатларни эса жияни. У на электр токи, на телефон ва на мебелга эга. Умр эса ўтмоқда.

Саломаньянинг энг ажойиб эрмаги сигарета тутатиш. Бу ярамас одат билан шунча йил умр кураётганига кишининг ақли бовар қилмайди. Боз устига ёлгизлик...

50 МЕТРЛИ "АЖДАҲО"

5-10 метргача узунликдаги анакондани эшитгансиз. Ватани Африка, Амазонка бўлган бу бўғма илонни курганда фақат унинг ўргатувчиларигина даҳшатга тушмаслиги мумкин.

Гарчи Москва яқинидаги Тушинск аэродроми илонларга тўлиб кетган бўлса-да, одамлар чўчишмади. Хитой ҳаво илонлари — варраклар байрамини ўтказишга тўпланган ишқибозлар кўзига 50 метрлик "аждаҳо" ҳам ажаб чиройли кўринди. Унинг осмону фалакдаги рақси эса барчани қойил қолдирди.

ҚАДИМИЙ ҚОЗОН

Татаристон пойтахти Қозон шаҳри Москвадан анча «катта» экан. Янги аср бошида шаҳар ўзининг 1000 йиллигини нишонлайди.

«Урта асрлардаги Қозон» халқаро анжуманининг иштирокчилари ана шу санани қуллаб-қувватлашди. Уч кун мобайнида мамлакатнинг таниқли тарихчилари шаҳарнинг вужудга келиши ҳақида мунозарага беридлилар. 22 йил мукаддам археолог-олимлар Қозон шаҳрининг пайдо бўлганига 800 йил тулди, дейишган эди.

Янги аср арафасида эса шаҳарнинг ёши икки асрга «қариб» кетди.

Sport maydonchasi

Т-ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Йигирманчи июнь куни мамлакатимизнинг футбол бўйича саккизинчи чемпионати олий лига жамоалари XV тур, яъни биринчи даврадаги энг сўнгги учрашувларни ўтказишди. Ушбу учрашувларда «Пахтакор» - «Сурхон» ўйинида 6:1, «Нефтчи» - «Дўстлик» жамоалари учрашганда 3:0 ҳисоби қайд қилинди. Ҳозир турнир жадвалида «Дўстлик» жамоаси пешқадам, иккинчи ўринни «Самарқанд», учинчи ўринни эса «Навбаҳор» жамоалари эгаллаб турибди.

ҲАЛИ УМИДИМИЗ БОР

Австралиянинг Сидней шаҳрида бўладиган олимпия ўйинларига саралаш мусобақалари қизғин давом этмоқда. Сўнгги учрашувда Қозоғистон терма жамоаси футболчилари ўзларининг қирғизистонлик ҳамкасбларини қабул қилиб, дуранг - 1:1 натижага эришдилар, холос. Учрашувнинг бундай тугаши ўзбекистонлик футболчиларга умид бахш этса, ажабмас.

РАҲБАРЛАР МУСОБАҚАСИ

Навоий вилоятида корхона, ташкилот ва турли муассасалар раҳбар ходимларининг «Интилиш» спартакиадасининг иккинчи босқичи шу кунларда Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуида бошланди. 25 июнгача давом этадиган ушбу беллашувларда 28 дан зиёд жамоалар спортнинг 6 тури бўйича беллашадилар.

КРИСТИАН КУРАШ ТУШМОҚДА

Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходими жаноб Кристиан Патин ўзбек миллий кураши билан жуда қизиқиб қолган эди. Яқинда у Физкультура институти спорт залида ўзбек устозлар қўлида кураш сирларини ўргана бошлади. «Ўзбек курашини ўзбеклардан, Ўзбекистонда ўрганиш мен учун катта ютуқ, насиб этса, ватанимда французлар учун «кураш мактаби»ни очаман», деди у биз билан суҳбатда.

ҚАРПОВ ҲЕЧ КИМ ЭМАСМИ?

Яқинда шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспароводан - "Анатолий Карпов билан учрашув ўтказмайсизми?" - деб сўрагаларида, чемпион бир оз энсаси қотиб, қуйидагича жавоб қилди:

— Карпов билан учрашувга ҳеч ким ҳомийлик қилишни истамайди, чунки Карповнинг даври ўтди, у энди деярли ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Ҳа, «Liberation»газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда чемпион шундай деди. Бунга Карпов қандай жавоб қилар экан.

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Фахриддин Али Сафий:

Бир донишманд айтган экан: ёмон одам ўзининг ёмонлигини билмайди, агар билса, у яхши одам бўлишга ҳаракат қиларди.

* * *

Бир оқил ва ҳазилкаш одам саёҳат вақтида олис шаҳардаги дўстига кунглидаги нозик фикрларини айтиб, мактуб ёзаётган эди. Бир бефаросат ҳамроҳидан берухсат ҳадеб мактубда нималар ёзилганига қарайверди. Оқил одам мактубига мана бу сўзларни қўшиб қўйди:

«Агар ёнимда бир бефаросат, бировларнинг хатига қизиқувчи тентак одам бўлмаганида, дўстим, сенга кўп қизиқ гапларни ёзар эдим».

Ҳалиги бефаросат бу сўзларни ўқиб, жаҳли чиқди ва эътироз билдирди:

— Қачон хатингга қарабман, менга тухмат қиляпсан?

Оқил одам кулиб, деди:

— Ўқимаган бўлсанг, сенинг ҳақингда ёзганимни қаёқдан билдинг?

* * *

Бир ҳурматли одам касал бўлиб, уйида ётган эди. Беш-олтита хира, ғашга тегувчи одамлар беморни кўришга бордилар. Улар бемор ёнида узоқ утириб, ҳар хил маза-бемаза гаплари билан уни толиқтириб қўйдилар. Охири, кетаётганларида бир бефаросат одам бемордан:

— Бизга васият тариқасида насиҳатларингизни айтсангиз, — деб суради.

Ҳурматли одам ҳалиги бефаросат зиёратчиларга қараб бундай деди:

— Сизларга васиятим шуки, бирор дўстингиз ёки устозингиз касал бўлиб қолганида, кўришга борганингизда, узоқ утирманглар, уни маза-бемаза гаплар билан толиқтириб қўйманглар.

* * *

Бир неча ҳазилкаш одамлар бир қизғанчиқ, хасис одамнинг уйига меҳмонга бормоқчи бўлдилар. Аммо дарвоза тақиллатганларида хасис одамнинг хизматкори чиқди. Меҳмонларни кўриб, ичкарига кириб кетди. Сўнг қайтиб чиқиб айтди.

— Кечирасизлар, ҳожамиз кеча кечқурун ўлган эдилар. Эрта тонгда дафн этиб келган эдик.

Ҳазилкаш меҳмонлар бунга ишонмадилар ва айтдилар:

— Ҳожангиз раҳматли, биз учун жуда азиз, қадрли одам эдилар. Уларнинг жанозасида бўлиш бизга насиб этмабди, энди уйларига кириб, фотиҳа ўқиб кетмасак бўлмас.

Бояги хасис ҳожа меҳмонларни қабул қилишдан бошқа иложи қолмабди.

Шаҳноза ШОМИРЗАЕВА тайёрлади

26 iyun — narkotik moddalarga qarshi kurash Xalqaro kuni

КОМИЛЛИК КУШАНДАСИ

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш ҳамда унинг истеъмол қилинишининг олдини олиш умумжаҳон аҳамиятига молик масала ҳисобланиб, БМТ томонидан «26 июнь — наркотик моддаларга қарши кураш Халқаро куни» деб эълон қилинган ва ҳар йили жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг нишонланиб келинади. «XX аср вабоси» ҳисобланган наркотик моддалар инсоният келажаги учун ўта хавфли эканлиги, кишилар тинчлигига, саломатлигига, руҳиятига қанчалик таъсир этиб, нопок ишлар, даҳшатли воқеалар юз беришига сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, мамлакатлар хавфсизлигига, барқарорлигига катта хавф тўғдирмоқда. У жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига, маънавий юксалишига катта салбий таъсир кўрсатади. Дунёдаги деярли ҳамма мамлакатлар бу муаммога дуч келган. Унинг тиббий, иқтисодий, сиёсий, жисмоний ва маънавий зарари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўплаб маълумотлар берилмоқда.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида наркобизнесга қарши кураш борасида катта тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Шу муаммога тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, унинг ҳалокатли оқибатлари мамлакатнинг хавфсизлигига катта таҳдид солаётганлигига алоҳида аҳамият бериб ўтади.

Дунё аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари орасида гиёҳвандликнинг кенг тарқалаётганлиги, уни истеъмол қилувчиларнинг «ёшлашуви», айниқса, болаларнинг наркотик моддаларнинг истеъмолчиларига айланиб бораётганлиги жиддий, ташвишланарли масала.

Маълумотларга қараганда, дунёда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларнинг 70 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этар экан.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашига кўра, ҳозирги кунда дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 70 фоизи бевосита ва билвосита наркотик моддалар билан боғлиқдир. Ёшлар томонидан амалга оширилаётган жиноятлар сонининг ҳам сезиларли равишда ошганлигига ҳам айнан шу сабаб бўлаётир. Унинг устига гиёҳвандлик даҳшатли касаллик ҳисобланмиш ОИТС билан ҳам узвий равишда боғланганлигини алоҳида таъкидлаш муҳимдир. Бу дардга чалинганларнинг асосий қисмини наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар ташкил этади.

Гиёҳванд моддалар организмда кечадиган ҳаётий жараёнларга ва истеъмолчи организмининг барча аъзоларига кучли салбий таъсир кўрсатади. Ўсмирларнинг гиёҳвандликка "ўрганиши" тез юз беради. «Оқ ажал» унинг истеъмолчисини ўз «қулига» айлантириб қўяди. Наркотик моддани истеъмол қилаётган ўсмир иложи борича ота-онасининг кўзига ташланмасликка, алоҳидаликка интилади, атрофдагилар билан суҳбатлашишни кескин қисқартиради. Бунинг ўрнига бошқа янги танишлар, дўстлар пайдо бўлади. Уларда ўқишга, илм эгаллашга ва маънавий юксалишга бўлган интилиш кескин сусайиб, пулга бўлган эҳтиёж ортади. Оиладаги муаммолар билан қизиқмайди, унинг кайфияти шароитга боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўзгариб, ғайриқонуний ҳаракатлари кучайиши кузатилади.

Бу борада умумий ўрта мактаблар жамоалари умумтаълим мактабларининг ўқув-тарбиявий иш режаларида бу масала доимий назорат остига олиниши, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт секциялари ва мусобақалари, тўгараклар ва маданий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўлларини қўллаш, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигидан, ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорларнинг амалий ёрдамидан ва имкониятларидан кенг фойдаланиб, уларни бу ишга жалб қилишга эришишлари керак.

Умумтаълим мактабларида таълим муассасаларида гиёҳвандлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга «мойил» бўлган ўқувчи-ёшларни аниқлаш, уларни мактаб ички назоратига олиш мактаб педагогик жамоаси, тиббиёт ходими, мактаб психологининг ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги иши бўлмоғи керак. Синф раҳбарининг тарбиявий фаолиятида ўқувчиларнинг характеридаги ўзгаришлари, қизиқишларига алоҳида аҳамият беришлари ва бефарқ бўлмасликлари лозим. Айни пайтда, синф раҳбарининг ўзи ҳам маълум тайёргарликка ва малакага эга бўлмоғи, самарали тарғиботташвиқот ишларини амалга ошириб бормоғи керак.

Дарсларни мунтазам қолдирувчи, ўзлаштириши паст, қонунбузарликка «мойил» ноинг фаолияти яхши йўлга қўйилиши, ҳуқуқ тўгаракларининг ташкил этилиши, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилиши ва уларни мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш масаласи ҳар бир мактаб раҳбари таълим-тарбия фаолиятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг ёзги оромгоҳларида 26 июнь кунига бағишлаб турли спорт мусобақалари, ҳуқуқ-тартибот ва соғлиқни сақлаш идоралари ходимлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, танловларни режалаштириш ва амалга ошириш зарур. Фақаттина ҳамкорликдаги жамоатчилик ҳаракатлари бу «оқ ажални» олдини олиш ва унга қарши курашда самара беради.

Р. СУЛТОНОВ,
ХТВ нинг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси етакчи назоратчи-услубчиси

ana shunaqa gaplar...

Ангрен техник лицейи томонидан 1995 йилда Гулбаҳор Баймуратова номига берилган АО 033863 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТошДУ қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номидаги лицей 1998\99 ўқув йили битирувчилари учун олинган шаҳодатномалар ичидан биттаси, яъни О'Р — А — 624257 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 2- ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Цыбикова Дилором Бахрамовна номига берилган UZK №105515 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Маърифат» газетаси жамоаси «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг бош муҳаррири А.Суюнов (Азим Суюн)га онаси

Норбуви ая МАМАДАЛИЕВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Сайидолим АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.